

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 196 (6.387)

1987 йил 29 август, шанба

Баҳоси 3 тийин

Коммунист ва беш йиллик

НАМУНА КЎРСАТМОҚДА

Коммунист Вячеслав Черновиннинг 8-темур-бетон буюмлари заводда энг яхши пайвандчилар қаторида талға олишди. Вячеслав Архиповичнинг эришган муваффақиятлари муносиб тақдирланган. У смена топшириқларини доимо 120-125 процентга урдашга эришган. Энг қувончлиси, арматураларни бир-бирига пухта пайвандлайди. Унинг ҳамкасблари КПСС Марказий Комитетининг июнь (1987 йил) Пленуми қарорларида бунёдкорларни қурилиш материаллари билан таъминлаётганлар «шаънига» билдирилган танқидий фикрларини муҳокама этдилар. Улар шошма-шошарлик билан иш-

лаш, кўрсаткичлар кетидан қувишга барҳам бериш, бунёдкорларга фақат сифатли панеллар, пардадеворларни жўнатишга аҳд қилишди. Шу долзарб кунларда брига-да аъзолари ўз сўзларининг устидан чиқмоқдалар. Бунда пайвандловчилардан КПСС аъзолари Мирбек Болтаев, Георгий Ступаков сингари-

лар ҳам барча ишларда жон-бозлик кўрсатишяпти. Тежамкорлик борасида ҳам В. Чернов ҳамкасбларига намуна бўлмоқда. Корхона арматура цехининг моҳир пайвандчиси хом ашёдан тежаб-тергаб фойдаланиш, исрофгарчиликнинг олдини олиш бўйича ибратли ишларни амалга ошираётган.

М. ДАМИНОВ.

Воқеа арафасида

Касаба союзлар тинчлик учун ҳаракати кун

Касаба союзлар тинчлик учун ҳаракати кунини ҳар йили нишонлаш анъанага айланиб қолган. Бу йил у мамлакат ҳаётида ажойиб сана — тинчлик тўғрисидаги Декретнинг 70 йиллиги нишонланганидан даврга тўғри келмоқда. Бу декрет Совет давлатининг биринчи тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжати бўлиб, у қозғирги янги тарихий шароитларда Советлар мамлакатининг бутун ташқи сиёсий фаолиятини белгилаб беради.

Улуг Октябрь жаҳон империалистик уруши вазиятида ғалаба қилди. Бу урушдан чиқиш тўғрисидаги масала муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган эди.

Тинчлик тўғрисидаги Декрет барча халқлар ва ҳукуматларга дарҳол ҳар қандай ҳарбий можаҳоралардан воз кечиш умумий тинчлик аҳдномасини тузиш даъватини қамраб олган эди. Бу Совет ҳукуматининг муҳим ташқи сиёсий ҳужжати ҳисобланади. Тинчлик тўғрисидаги Декрет Советларнинг ишчи, солдат ва деҳқон депутатларининг Бутунроссия сьезди мажлисида 1917 йил 26 октябрь (8 ноябрда) қабул қилинган эди. Тарихда биринчи марта халқаро тинчлик ва ҳамкорлик, пролетар интернационализм сиёсатининг янги ғояларини, барча халқларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги эълон қилинди.

Шундан буён орадан 70 йил ўтди ва ана шу даврда партиямиз, совет халқи бутун ер кўрасида тинчлик барқарор бўлиши учун тинмай курашмоқда.

КПСС XXVII съездида келгусида партиянинг жаҳон миқёсидаги фаолияти ядро хавфи, қуролланиш пойгага қарши кураш, умумий тинчликни сақлаш ва мустақамлаш учун асосий бош йўналиш бўлиб қолади, деб таъкидланган эди.

Тошкентда касаба союзлар ҳаракати кун қандай нишонланади?

30 августда очиладиган, тинчлик ярмаркаси ўтказилган Октябр революцияси хиббони безатишмоқда. Бу тадбир ўзининг кенг маъно ва мазмун билан тинчлик тўғрисидаги Декретнинг 70 йиллигига бағишланган. Карл Маркс кўчаси бўйлаб савдо ярмаркаси жойлашади. Унда байрамга атаб бадий ҳаваскорлик ва техника ижодиёти коллективлари тайёрлаган нафис соғва буюмлари сотилади, гулчилар ўзлари етиштирган муаттар гулларни на-

мойиш қиладилар. Бундай савдодан йигилган маблағ тинчлик фондига ўтказилади. Сиёсий плакатлар кўргазмаси ташкил этилади. Бу байрамга атаб тайёрланган китоб дўконларида сиёсий адабиётлар, совет тинчлик фонди фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи зарварлар, халқаро касаба союз ҳаракати ҳақида фикр юритувчи китоблар савдога қўйилади.

Революция хиббонида касаба союзларнинг тинчлик учун ҳаракати эмблемаси ўрнатилган. Урушга қарши мавзудаги чиройли плакатлар қўйилган. Бу ерда Улуг Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган Бутуниттифоқ халқ ижодиёти иккинчи фестивалининг қатнашчилари — бадий ҳаваскорлик коллективлари концертлар беришади.

Байрам программаси ранг-баранг тузилган. Театрлаштирилган томошада республика касаба союзларининг маданият саройлари ва уйлари ҳаваскор артистлари қатнашадилар. Улар «Биз тинчлик тарафдоримиз» хитобномасига имзо тўплайдилар.

Пойтахтимизнинг барча аҳолиси ва меҳмонлари таклиф этиладиган бу оммавий байрам 30 августда соат 17 да бошланади. Метронинг «В. И. Ленин номидаги майдон» станицисидан чиқаришда Ф. Э. Дзержинский ёдгорлиги олдида йўлаларда болаларнинг асфальтга расм чизиш конкурси бошланади. Бу конкурснинг шiori «Ер кўрасига тинчлик, болаларга бахт-саодат» деб аталган.

Соат 17 дан 30 минут ўтганда Карл Маркс кўчасида карнай ва сурнайларнинг овози баралла янграйди, савдо ярмаркаси ишлайди, рақсозлар рақсга тушадилар.

18 да метронинг «В. И. Ленин номидаги майдон» Карл Маркс кўчаси маршрути бўйлаб шаҳар барча районлари меҳнатқашлари вакиллари ўтишади.

Соат 18 дан 30 минут ўтгандан бошлаб 19.00 гача Революция хиббонида («Лотос» кафеси майдончасида вокал-чолгу ансамбли концерт беради ва шу ерда «Биз тинчлик тарафдоримиз!» хитобномасига имзо тўпланади.

Соат 19 да касаба союзларининг тинчлик учун ҳаракати кунига бағишланган митинг бўлади.

Байрам кеч оқшомгача давом этиб мушаквозлик билан тугайди.

Замондошимиз



Чиннидаги гулдаста

Хунарга илхос қўйилса, унинг қанотида бахтга эришилади. Кимки ўз ишини севиб бажарса, ҳар қанча меҳнат қилса ҳам чарчаши, зерикishi, толиқиши ҳис этмайди. Малоҳат ҳам шундай. У ишчи касбига муҳаббат боғлаб Тошкент ширини заводига келди. Икки йилдирки, Малоҳат заводнинг рассомлик цехида илхос-этиқод билан меҳнат қилаётган.

— Расм чизишни, айниқса чинни буюмларининг чиройли ва нафис бўлишини севардим, — дейди мамнуи жиймайиб Малоҳат Содиқова. — Шаҳримиздаги 26-хуна-техника билим юртини тугатиб, заводга ишга келдим. Бош рассом Анвар ака Нуъмонов, лаборатория мудири Мавлуда опа Қайюмовалар менга жуда самимийлик, меҳр билан чиннига гул солиш, унинг сифатли ва чиройли бўлиш сирларини ўргатишди. Мен чиннисозлик ҳунарини жуда севиб қолдим. Бунинг учун устозларимдан беҳад хурсандман.

Малоҳатнинг устозлари ҳам унинг ишдан хурсанд. Бош рассом Анвар Нуъмонов бундай дейди:

— Чиннига гул солиш учун нозик дид билан бирга, мўйқаламни нафис ишлаш билиши керак. Малоҳатда шундай қобилият бор.

Рассомлик лабораториясининг бошлиғи Мавлуда Қайюмова ҳам шундай фикрни айтган:

— Малоҳатда хунарга қизиқиш билан бирга, изланиш ҳам бор. У келгусида яхши рассом бўлади.

Чиндан ҳам Малоҳат Содиқовада ўз ишига илхос билан бирга изланиш, янгилик яратиш қобилияти бор. У янги-янги сервислар тайёрлашда қатнашиб, устозлари меҳрини қозонмоқда. Малоҳат комсомол аъзоси сифатида завод жамоат ишларида ҳам актив қатнашаётган, меҳнат қилиш билан бирга билим ва малакасини ошириш мақсадида Тошкент Давлат педагогика институтини ўқимокда.

Малоҳатнинг орзу-умидлари катта. У халқимизнинг дидига мос, оилаларига ярашқили чиройли гулли чинни буюмларини гулдастадек соғва этишга иштироки. Малоҳатнинг гунчадек беғубор орзулари гулдек очилишига тилқадомиз.

СУРАТДА: Малоҳат Содиқова.

Р. Шарипов фотоси.

Марра

Яқин

«Бошлик» микрорайонида

яна бир 9 қаватли 108

квартирали турар жой би-

носида пардоз ишлари жа-

даллик билан олиб борил-

моқда.

Бу микрорайонда бунёд этилаётган тўртинчи омон ўпар бинодир. Бунёдкорлик ишларини 3-ўйсозлик комбинатига қарашли 2-қурилиш бошқармасининг Д. Колесников етакчилигидаги монтажчилар бригадаси муддатидан олдин шараф билан урдамоқда.

Хозир бинонинг сўнгги пар-

доз ишлари амалга оширил-

моқда.

3-ўйсозлик комбинатига қарашли 3-пардоз ишлари бошқармасининг С. Гараева ҳамда социалистик мусобақа го-либли Х. Зайнағитдинова етакчилик қилаётган бригада аъ-золари бинони сифатли пар-дозлашмоқда. Объектда иш социалистик мусобақа асосида ташкил этилган. Мусобақа шартларидан бири қурилиш сифатли ва тез қурилади, уни муддатдан олдин топшириш-дир.

— Улуг Октябрь социалис-тик революциясининг 70 йил-лиги шарафига, — дейди Ха-физа Зайнағитдинова, — 45 ки-шилик интернационал оиламиз шахсий меҳнат беллашувини авж олдириб, Юнусовод мас-сивида қад кўтарайотган 9 қа-ватли 108 квартиралар турар-жой бизнесини «яхши» ва «а-ло» баҳолашга топширишди-р.

Д. ОБЛАЕВ.

Беш

йиллик

илфторлари

Тошкент тўқимачилик ком-

бинатининг биринчи тўқув

фабрикасида ишчи маҳора-

ти конкурснинг ақунлари

бундай бўлишини ҳеч ким

кутмаган эди. Яқиндагина

корхонага келиб, ишлай

бошлаган П. Йўлдошева

конкурсда иккинчи ўринни

олди.

Чевар қиз тўқувчилик касби-нинг сирларини тез эгалаб ол-моқда, узилган ипни улашда се-кундларни тежамлаш, машин-на-ушкуналарни чапдастикли-билан ишга сошлаб олмоқда.

Конкурсда П. Йўлдошева ўз учун рекорд бўларли иш уну-мига эришди — смена топши-рини 109,7 процент бажарди. Энди бу муваффақиятини мус-таҳкамлаш ва ривожлантириш-ни, уни кундалик иш нормаси-га айлантиришни ўзининг асо-сий вазифам деб биламан, де-ди беш ишчи.

ЎТМИШ

ВА БУГУН

Чиройли стендаг икки хил сурат қўйилган. Улардан би-рида эски мусулмон макта-би тасвирланган. Ирттиқ чо-пон кийган болалар қўлида таёб ушлаб турган ўқитувчи олдида энгашиб ўтиришбди. Иккинчи фотосуратда ҳозирги совет мактабининг синфхонаси тасвирланган. Бу ерда болалар мураккаб электрон техникани ўрган-моқдалар.


Бу стенд Ўзбекистон ССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари виставаси ходимлари томо-нидан тайёрланган «Улуг Октябрь ва Ўзбекистон» кўча-ма кўрғазмаси марказига жойлаштирилган. Бу ерда келтирилган рақамлар ва фактлар шу калдар тафовут қиладики, ўзбек халқи тур-мушдан олинган лавҳалар ўртасида етмиш йил эмас, балки кўп асрлар ўтгандек туюлади.

(ЎзТАГ).



Тайёргарлик а в ж и д а


Фоторепортаж



В. И. Ленин номидаги майдон шу кунларда янада ўзгача тароват касб этмоқда. Шаҳарликлар кўз ўнгиде юксалиб бораётган бу ердаги минора ва сўпалар, ўйин майдончалари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотаётган. Бу бежиз эмас, албатта. Тошкент азалдан ўзининг меҳмон-дўстлиги ва Шарқнинг машъали сифатида ер юзиде та-нилган. Унда ўтказилаётган бир қатор халқаро йигин-лар жаҳонда тинчликни сақлаш ишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Халқлар бахт-саодати ва бирлигини мустаҳкамлашга хизмат этаётган.

Яқин кунларда яна бир байрам шодиёнаси шаҳарлик-ларни мафтун этади. СССРда ўтказилаётган Ҳиндистон фестивалининг катта тантаналари Тошкентда кенг ни-шонланади. Айни кунларда фестивални ўтказишга қар-тилган тайёргарлик ишлари ушқоқлик билан олиб бо-рилмоқда. Қурувчилар, монтажчилар, пардозловчилар шаҳримизнинг бош майдони — В. И. Ленин номи май-донда зарур жиҳозларни тиклашда фидокорлик намуна-ларини кўрсатишмоқда.

Айниқса 11-«Висострой» трестининг 75-қурилиш бош-қармаси қурувчилари бу борада алоҳида жонбозлик кўр-сатишяпти. Н. Орлов ва А. Шононов бошчилиги қилаёт-ган бригадаларнинг бунёдкорлари минора, сахна ва мага-зинда қурилишни жадаллик билан олиб бормоқдалар. Байрам шодиёналари кенг нишонланадиган кунларда улар бунёд этган жиҳозлар катта тантаналарга алоҳида фойз қилинган. Магазинларда ҳинд халқининг моҳир қўли у-салари томонидан тайёрланган турли хил эскилик буюм-лари ва ёдгорликлар, нақшдор бозорлик буюмлар



сотилади. Саҳнада эса Ҳиндистонликларнинг дилрабо қў-шиқлари янграйди. Уларга жозибдор рақслар ҳамроҳанг бўлиб кетади.

Р. АХМАДАЛИЕВ.

СУРАТЛАРДА: 3-механизацияланган бошқарма ил-ғор кранчиси Павел Трошин; бунёдкорларнинг амалга ошираётган ишларидан лавҳалар.

Х. Мирзакаримов фотолари.

ҚРИМ ТАТАРЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ИШЧИ УЧРАШУВИ

27 августда Ўзбекистон

Компартияси Тошкент об-

ласть комитетида қрим та-

тарларидан партия органла-

рига сайлаб қўйилган ва-

киллар, халқ депутатлари

область, шаҳар ва район

Советлари депутатлари,

меҳнат коллективлари раҳ-

барлари, халқ ҳўжалиги ил-

горлари ва мутахассислари-

нинг республика ишчи ко-

миссияси аъзоси, Ўзбекис-

тон касаба союзлари респуб-

лика Совети секретари

О. К. Адаманов билан учра-

шуви бўлди. Учрашувда

Тошкент область ва Тошкент

шаҳар партия комитетлари

секретарлари, бюро аъзола-

ри иштирок этдилар.

Учрашув қатнашчиларига

республика ишчи комиссияси

фаолияти, 22 августда Мос-

квада бўлиб ўтган Давлат

комиссияси ишчи группаси

мажлисида унинг аъзолари

қандай иштирок этганини

ҳақида ахборот берилди.

Республика ишчи комис-

сиясининг истанлари, шу-

нингдек учрашув қатнашчи-

лари тақдирини асосида об-

ласть ишчи комиссияси ту-

зилди. Унинг состави қуйи-

дагича:

Керимов А. — Чирчиқда-

ги 160-трест бошқарувчиси,

Ўзбекистон Компартияси

Тошкент область комитети

аъзоси, комиссия раиси.

Комиссия аъзолари:

Азизов Р. Б. — Янгийўл

районидagi У. Юсупов ном-

ли боғдорчилик-узумчилик

комбинат партия комитети-

нинг секретари:

Ибрагимов С. И. — Га-ла-

ба район халқ депутатлари

Советлари шаҳар Совети

икрония комитети раиси;

Марич С. — Галяба рай-

он касалхонаси бош врач-

ининг ўринбосари, халқ де-

путатлари Тошкент область

Совети депутаты;

Тейфикова Н. — Бекобод

район матбуот жамоияти

раисининг ўринбосари, Бек-

обод район партия ташкило-

ти ревизия комиссиясининг

аъзоси;

Умеров Ю. Р. — САНИРИ

экспериментал-ишлаб чиқ-

ариш корхонаси директори,

Ўзбекистон Компартияси

Тошкент шаҳар комитети

аъзоси;

Хайбуллаев Р. — 5-авто-

база директори, Ўзбекистон

Компартияси Янгийўл ша-

ҳар комитети аъзоси, халқ

депутатлари Янгийўл ша-

ҳар Совети депутаты;

Чули Э. — В. И. Ленин

номли Ўзбекистон метал-

лургия заводи электрда пў-

нлат эритиш пехи бошлиғи,

Ўзбекистон Компартияси

Бекобод шаҳар комитети

аъзоси;

Якубова Л. Ш. — Тош-

Ҳар куннинг ўз ташвиши бор

Тошкент «Компрессор» заводи ҳаво ёки газни қисқадиган ва босим остида узатадиган қуролма-компрессорлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Асосий маҳсулот — қўчма ротацион ва поршеньли компрессор станциялари ҳамда вакуум насосли компрессорлар бўлиб, бундан ташқари ўндан ортиқ халқ истеъмоли буюмлари ҳам ишлаб чиқармоқда.

Завод 1941 йилнинг декабрь ойида иш бошлаган. Улугъ Ватан уруши йилларида Тошкентга қўчириб келтирилган Запорожье машинасозлик заводи, Нижний-Днепровскдаги «Светфор» заводи, Москвадаги «Красный путь» заводи ҳамда Туладаги машинасозлик заводнинг

махсус цехлари замирида ташкил этилган. У мамлакатимиз экономикасини, шунингдек республикамиз халқ ҳужалигини ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқда. Завод ишлаб чиқараётган маҳсулотлар қўчмага чет давлатларга ҳам экспорт қилинади.

«Компрессор» заводи ўн биринчи беш йиллик планини бажарган. 1986 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш планини 100,6 процент, маҳсулот реализация қилиш топширгани эса 103,6 процент адо этган. Аммо юбилей йилнинг ярим йиллик ва етти ойлик планлари бажарилмади. Нера? Мухбиримиз ана шу қорхонада бўлиб, ушбу саволга жавоб излади.

Краснодар ва Сумск шаҳарларидаги бизга комплектлаш материаллари юборувчи ташиқлотларга 9,5 минг сўмлик сифатсиз материалларни қайтардик. Свердловскдаги «Радикатор» заводи ва бошқа қорхоналар етказиб бераётган қўшимча материалларнинг сифатига алоқадор хабарларни қорхона маъмуриятлари эътиборига ҳавола қилдик. Давлат қабули вакиллари ярим йиллик ичида 400 дан ортиқ лойиҳа ва технологик ечимларга тузатишлар киритишди.

Завод давлат қабули раҳбари Ю. Е. Корнилов давлатдаги давлат қабулига таълиф этди. Давлат қабули вакиллари — Г. Смешаев, В. Пономарев, М. Фольмер, А. Корниенко ва бошқалар иш бошлашди. Уларнинг ўтқир нигоҳи, тажриба ва билими ҳар бир компрессорга аниқ баҳо беради. Биринчи тақдимида қабул қилинган маҳсулотлар сонини кўп эди. Бу — барча маҳсулотлар юқори сифатда тайёрланиб, деган таассуротни кучайтиради. Аммо давлат қабули вакиллари диққатидан кичик бир нуқсон ҳам четда қолмайди. Мана улардан бири: «ПР-10/8М2» қўчма компрессор станциясининг ёғ йиғувчи асбоби ва болти мустақамланмаган экан. Г. Веневцев бошлиқ бригада йиғувчилари камчилиги бартараф этишга киришишди. Бунга анча вақт кетди. Қўрилган чора қуйидагича бўлди. Бригада сифатсиз маҳсулотни давлат қабулига тасвир этганини учун 10 процент мукофот пулидан маҳрум этилди. Вакуум насоси компрессорда ҳам айрим қисмлар мустақамланмаганлиги аниқланди. Текшириш жараёнида совуққонликка йўл қўйиб, айбдорларни аниқламаганини учун техника назорати ходимлари беш процент мукофот пулидан маҳрум бўлишди.

Яна бир қўчма компрессор станциясидан нуқсон топилди: керакли қисмлардан бири эскиси билан алмаштирилиб қўйилган экан. Ишга масъулият билан ёндашмаганини учун ишлаб чиқариш участкаси бошлиғи Р. Гайнуллинга ҳайфсан эълон қилинди.


В. Гордеев бошлиқ бригада аъзолари ҳам ишда жўзуйи хатоларга йўл қўйганликлари учун 5 процент мукофот пулидан маҳрум бўлишди.

Хуллас, шу кунги давлат қабули ҳар бир ишчи, техник ва инженер ходимларга ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ўзига хос баҳо берди. Қайта қабул ҳужжатларини тўлғаш, нуқсонларни бартараф этиш ва расмийлаштириш анча иш вақтини беҳуда олишини ҳисобга олсак, браќ маҳсулот тайёрлаш ҳаммага зарар келтириши аниқ бўлди.

«Компрессор» заводи давлат қабули раҳбари Ю. Е. Корнилов билан хайрлашар эканмиз, у шундай деди:

— Ҳар куннинг ўз ташвиши бор. Бугунги кун ташвишлари — браќ маҳсулот ишлаб чиқаришга батамом барҳам беришдир. Айтиш керакки, коллективда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш йўлидаги кураш яхши бормоқда. Бу кураш муваффақиятли яқунлаиб, «Компрессор» заводи коллективи Улугъ Октябрьнинг шонли 70 йиллик юбилейи муносиб меҳнат туҳфалари билан қутиб олишга ишонаман.

А. АМИНОВ.



Йиғувчилик цехи «Ташхиссельмаш» заводининг илгор бўлимларидаги биридир. Унинг ишчилари аниқ кунларда Улугъ Октябрнинг шонли 70 йиллигини муносиб меҳнат соғалари билан қутиб олиш учун зарб

дорчасига меҳнат қилмоқдалар. Пешқадам йиғувчи Носир Саъдуллаев ҳам бу борада қувончли натижаларга эришмоқда. СУРАТДА: Носир Саъдуллаев иш устида Т. КАРИМОВ фотоси.

Дунё хабарлари

Жаҳон газеталари саҳифаларида

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг қуролсизланиш билан ривожланиш ўрнатидиган ўзаро боғлиқликка бағишланган халқаро конференция иштирокчиларига Мурожаатномасига жаҳон

матбуоти катта қизиқиш билан қарамоқда. Мурожаатнома текстининг эълон қилган ёки унинг баъзини босиб чиқарган газеталар қуролсизланиш орқали ривожланиш принципи социалистик мамлакатлар

группаси жаҳон ҳамжамиятига тақдим этган халқаро тинчлик ва хавфсизликнинг кенг қамровли системасини яратиш концепциясига ўз вавида қўшилиб кетди, деб таъкидламоқда. Матбуот совет раҳбарининг Мурожаатномасига БМТ Бош секретари Перес де Куэльяр берган баҳога эътиборни қаратмоқда. Перес де Куэльяр бу ҳужжатни ниҳоятда ақтуал ва амалий ҳужжат деб атаб, Мурожаатномадаги қуролсизланиш ва тараққиёт проблемаларини БМТ Хавфсизлик Кенгашига аъзо бўлган давлатлар олий раҳбарларининг маҳ

суе учрашувидан муҳокама қилиш тўғрисидаги тақлифга гоят мароқли тақлиф, деб таъриф берди. Кўпгина газеталар, шу жумладан, Американинг «Нью-Йорк таймс», Лондоннинг «Таймс» газеталари БМТ доирасида «Тараққиёт учун қуролсизланиш» халқаро фонднинг тузиш тўғрисидаги тақлифга эътиборни қаратмоқда, бу фонд эшиклари қуролсизланиш давомидида бўлаётган маблағларни муҳтож мамлакатларга беришга аҳд қилган барча давлатлар учун очик бўлади. Болгарияда чиқадиган «Работническо дело» газета

си қуйидагиларни таъкидлади: Совет Иттифоти мустақамлақчилиқ талон-таролининг янги формаси бўлган савдо-сотиқдаги нотенг оламуш оқибатида вужудга келган ривожланиётган мамлакатларнинг мисли қўрилмаган қарзи билан империялик давлатлар ҳарбий бюджетлари ортиб бораётганлиги ўртасидидаги боғлиқликка эътиборни қаратади. Ривожланиётган мамлакатлар, деб таъкидлайди газета, империялик давлатларнинг ҳарбий харажатларини талай даражада тўлаётганликлари фактининг ўзи ўтакетган адолатсизлик эканлиги равшандир.

Бразилияда карлар учун телефон ихтиро қилиниб, ишлаб чиқаришга жорий этилди. Унинг ихтирочилари Морзе алифбосидан фойдаланишган. Ҳар бир абонементда турган электрон блок панелларида учта турли рангдаги чироклар бор. Телефон жирингланда да «суҳбат» кетаётганида чирокларнинг бири доим ёқилган ҳолда туради. Қолган иккитаси эса Морзе алифбосидидаги нукта ва тирекаларни кўрсатиб тура

ди. Агар бу алифбонга тез ўрганилса, у ҳолда «суҳбат» куриш узокда қўзғалмайди. Янги телефонга эҳтиёж жуда ортимоқда. Бу ихтирочиларни гоят қувонтирляпти. Янги хилдаги аппаратларни ишлаб чиқишга роппа-роса бир йил кетган.

ТАРКИ ОДАТ ФОНДАСИ Сақчи қайнашининг оммалашуви шифокорларнинг ҳаяжонлантирмоқда. Шунинг учун улар сақчи қайнашининг зарари ҳақида жуда кўп таъришмоқда. Бироқ, уларнинг маслаҳатларига қамдан-қам киши қўлоқ тутмоқда. Шунда Польшадаги ВЗрақлаш шахри Медицина академияси сақчи қарши малҳам тайёрлади. Унинг таркибига қўл айлани эстректи ва бошқа ўтлар кирган. Бундай малҳамлар ангина, тиш мишқларининг шомоллашини даволайди.

Ҳалол бўлсанг—иззат топасан Сулола

Бу айлининг меҳнат фаолияти билан танишар экансиз беҳиктиёр ҳайратга тушасиз. Ҳаёлингизда халқимизнинг узок кечмиши жонланади. Инқилобдан олдин ўзбек хотин-қизлари тўрт девордан нарини кўролмас эдилар. Эронлар билан тенг ҳуқуқлилик, улар билан бир сафда туриб меҳнат қилиш уларнинг ҳатто тушларига ҳам кирмаганди. Эндичи! Мана социалистик турмуш тарзининг, социалистик жамиятнинг ёрқин намунаси — Мухайё Мирзаеванинг синглиси, уч қизи, бир ўғли ўзи билан бирга ишлаб-япти. Қизлари, синглиси ишлаб чиқаришда илгор бўлган устозининг муносиб шогирдлари, илгорлар.

Дарҳақ бир ерда кўкаради дейишди. Мухайё Мирзаева ҳам бир жойда—Тошкент бадий буюмлар фабрикасининг попоп цехида ишлаб келмоқда. 1947 йил фабрикага ишга келганда Мухайё жуссалари иккинчигагина, лекин ҳаракатчан қиз эди. Бу — ишга ташна қизни Хайри опа Собирова шогирдликка олди. Бир йил ўтар-ўтмас у мустақил, попоп тикши сирларини ўрганиб олди. Мана шу ўтган 40 йил ичида унинг қўлидан чиққан чиройли палаклар, гулқўрпалар, зардеворлар қанчадан-қанча келинчақларнинг уйларига нафосат улашмади дейсиз.

Мана, бир неча йилдири Мухайё Мирзаева комсомол-ёшлар бригадасига бошчилик қилиб келмоқда. Коллективда ушган 48 ишчига у ўз касбининг сир-асрорларини ўргатаёттир.

Касбларнинг ёмони йўқ. Уни эгаллаган кишиларнинггина яхши-ёмон одати бор бўлиши мумкин, холос. Касбига муҳаббат қилмадики кучли бўлса ўшанинг иш унумли, сифатли бўлаверади, — дея шогирдларга ўғит беради у.

Биз Мухайё Мирзаеванинг шогирдларини санаб ўтирмаймиз, — дейди цех бошлиғи Нодира Парпибоева. — Чунки цехга келган ёшлар унинг ёрдамида, меҳру-муҳаббатидан баҳраманд. Попоп цехи шу йилнинг ўтган даври кўрсаткичлари бўйича биринчи ўринни эгаллаб фабрика цехлари ўртасидаги мусобақада ғолиб чиқди. Попопчи, каштачилар планга қўшимча 185 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришди. Бу попоп цехининг катта муваффақиятида Мухайё бошлиқ бригада аъзолари, шу оила сулолаларининг ҳам катта улуши бор, албатта. Жумладан, унинг бригадасида ишлаётган ёшлардан Гўлхан Солиҳова йиллик планини анча илгари урдалаб ҳозир 1988 йил март ойи ҳисобига ишлагаяпти. Манзура Яхьякулова, Сапура Холиқова, Умид Холиқова каби қизлар эса графикадан кичик уч ой ўзбек кетишди. Бригада аъзоларининг эзгу ниятлари икки йиллик планини Улугъ Октябрнинг 70 йиллигича урдалашдан иборат.


Опанинг ўз ишига, касбига бўлган ҳақиқий ихлоси унинг фарзандларига ҳам шу касбга иштиёқ ўйотди.

1966 йилда 4-ўрта мактабин битирган Мухайё Мирзаеванинг синглиси Маъмура Тошмуҳамедова тўғри попоп цехига ишга келди. У опасидан попопчилик сирларини деярли тезда ўрганиб олди. 1983 йилдан бошлаб олий навли ва «Янгиллик» индекси билан ишлаб чиқариладиган потокка бригада бошлиғи этиб тайинланди. Бу ерда 28 киши ишлайди. Цехда илгор бригада бошлиғи, жамоатчи бўлганлигидан уни иккинчи мартаба Октябр район Советига депутат қилиб сайлаб келишмоқда. Маъмура Тошмуҳамедова бригадаси юбилейгача йиллик планини бажаришини бугунги кўрсаткичлар исботлаб турибди. Ўрта мактабларни аъло баҳоларга битирган Мухайё Мирзаеванинг қизлари институт сари интилмадилар. Шу касб орқали обрў-эътибор топаётган оналари касбининг ҳеч иккинчи иштиёб этган қизлари Махфуза, Махсума, Мавлуда ҳам оналари билан цехда ишлашмоқда. Бу қизларнинг энг каттаси деярли 20 йиллик меҳнат стажига эга. М. Мирзаеванинг ўғиллари Шухрат Каримов йигитлик бурчининг ўтаб келган у ҳам шу фабрикада механик бўлиб ишга келди. Ҳа, бу ишчилар сулоласининг умумий иш стажини сарҳисоб қилинса 100 йилдан кам бўлмайди. Ҳозир улар юбилей олдига меҳнат вақтасида иш сураётганга сураёт қўшиб ишлашмоқда.

С. СУЛТОНОВ.

Оқшом даврасига марҳабо, дўстлар!

Энг яхши лойиҳа асосида



Бундан бир неча ой илгари Ўзбекистон амалий санъат музейини кенгайтириш ва замонавийлаштириш юзасидан бир қанча муҳим тадбирлар ишлаб чиқилган эди. Аниқ кўнларда ана шу асосда ишлар қизгин олиб боришмоқда. Аниқсиз, шунга мувофиқ тасвир этилган конкурс ҳам яқинда нирҳоясига етди. Бешта лойиҳалаш институти лойиҳачилари ўзларининг энг яхши лойиҳа ва макетларини конкурс ҳайъатига тасвир этдилар.

Аниқ кўнларда Ўзбекистон архитекторлар союзи биносида шу институтларнинг лойиҳачилари томонидан яратилган янги лойиҳа ва макетлар намойиш қилинаётипти. Улар билан малакали архитектор, инженерлар ва кенг жамоатчилик ақидидан танишмоқда. Бундан қўзғалаётган мақсад тасвир этилган лойиҳалар ичидан энг яхши намунани таллаб беришдан иборатдир. Кейинчалик ана шу энг яхши лойиҳа асосида амалий санъат музейи кенгайтирилади.

Холмат МИРЗАКАРИМОВ. СУРАТЛАРДА: конкурсга тасвир этилган лойиҳа макетлари. Автор фотолари.

Келин-куёвлар байрами

Тошкентдаги «Бахт уйи»да ёшларнинг ниҳок маросими бир умр унутилмас кун бўлиб қолиш учун уни янгица ўтказишга қарор қилдилар. Ленин комсомоли номли истироҳат ботида 12 юфти келин ва кўёв учун конкурслар, викториналар, совринлар билан катта байрам ташкил этилди. Улар учун

ҳамма аттракционлар бепул қилиб қўйилди, парк ва шаҳар маданият уйи бадий хаваскорлик коллективлари қизил-қарли концерт программасини намойиш қилдилар. Шу ерда «Олтин» ва «Кумуш» тўғларини ўтказган оилавий турмуш «ветеранлари» билан учрашув ҳам бўлди.

Эр-хотин Фаина Евдокимовна билан Василий Семёнович Каринлар никоҳдан ўтаётганлар билан самийи суҳбатлашди. Улугъ урушининг оғир йилларида турмуш қуришган эди. Кўп қийинчиликларни бошдан кечиришди, лекин бу мушкулликлар оила бахтига ҳалат бера олмади. Қаринлар ёшлар

га ҳамжиҳатлик, сеvimлиги кишигига ёрдам беришга таъйёр туриш мустақам оилавий муносабатларнинг негизи эканлигини айтиб бердилар. Катта авлод намонандлари рўзгор юритиш, болаларни тарбиялаш борасидаги тажрибаларини ҳам ёшларга сўзлаб бердилар.

Нозилануучи тўғини фасл ёзиб барча оранки кутганига бор. Саҳий ёз фасли ўзининг турфа неъматлари билан барчан баҳраманд этиш илгини билан «анади».

Табиатиимизнинг савоатини асал улашган гулзорларимиз, шарабати мевазор боларимиз, шакарпалак полиларимизда кураимиз. Ажойиб неъматлардан бири қовун-полисимиз султони. Унинг шифобахш хосиятлари азал-азалдан маълум. Ана ўша сиз истеъмол этган, лабларингизни ширачлаб қўяр даражадаги асл қовунлар ўнларга ҳасталиқлар давдоси эканлигидан хабарингиз борми?

Халқ табиати амалиётида қовун зинафас, бод, беланги, сил, камқонлик, кичиш ва бўйрак касалликларини даволашда, шунингдек паршон-хотирлик даридан қутқаришда тасвир этилади. Бобокалон та

биб ва аллома Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» асарига қовун хосиятларини устиди батафсил тўхталди. Ҳозирги замон медицинаси ўз навбати

росклероз хасталиқларни ангиллик берувчи манба сифатида ҳам ишлатилади. Бегубор қовун кишининг юрак, ўпка фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Қовун қувватбахш

ла таркибидида мавжуд бўлувчи ҳаётбахш омиллар билан таниш тирисак. Қовун ўз таркибига 18 процентгача қанд, витамин С, РР, фолат кислотаси, гемиделлюлоза каби модда

лар билан бир қаторда элементлардан, калий, кальций, темир, фосфор, натрийларни сақлайди. Манбаларда қайд этилишича, қовун уруғларининг сувли дамламаси ўта беозор пешоб ҳайдончи дори сифатида бўйрак азиятлари билан оғрийдиган беморларга энгиллик беради. Қизини шунданки, қовуннинг қайнатмаси

да асл қовунларнинг шифобахш томонларидан ўринли фойдаланишмоқда. Жумладан, ривосади қовунлар киши асбоби таъсир кўрсатади, подлагага қўйилган ҳақида матулумотлар бор, пешоб ҳайдайди, ичти қомаштади, бавосил азиятларига малҳамлик қилади. Медицина амалиётида қовун жигар, ате

неъмат сифатида ҳам қарланади. Чунки унинг ширадор этида салмоқли миқдорда темир элемент мавжуд. Маълумки, медицина оламидида темир танқислиги билан мавжуд бўлувчи анемия хасталиғи бор. Ана шу дарда йулиққанларнинг жонига оро берувчи манба асл қовунлар ҳисобланади. Кези келганида қов

лар билан бир қаторда элементлардан, калий, кальций, темир, фосфор, натрийларни сақлайди. Манбаларда қайд этилишича, қовун уруғларининг сувли дамламаси ўта беозор пешоб ҳайдончи дори сифатида бўйрак азиятлари билан оғрийдиган беморларга энгиллик беради. Қизини шунданки, қовуннинг қайнатмаси

да асл қовунларнинг шифобахш томонларидан ўринли фойдаланишмоқда. Жумладан, ривосади қовунлар киши асбоби таъсир кўрсатади, подлагага қўйилган ҳақида матулумотлар бор, пешоб ҳайдайди, ичти қомаштади, бавосил азиятларига малҳамлик қилади. Медицина амалиётида қовун жигар, ате

неъмат сифатида ҳам қарланади. Чунки унинг ширадор этида салмоқли миқдорда темир элемент мавжуд. Маълумки, медицина оламидида темир танқислиги билан мавжуд бўлувчи анемия хасталиғи бор. Ана шу дарда йулиққанларнинг жонига оро берувчи манба асл қовунлар ҳисобланади. Кези келганида қов

лар билан бир қаторда элементлардан, калий, кальций, темир, фосфор, натрийларни сақлайди. Манбаларда қайд этилишича, қовун уруғларининг сувли дамламаси ўта беозор пешоб ҳайдончи дори сифатида бўйрак азиятлари билан оғрийдиган беморларга энгиллик беради. Қизини шунданки, қовуннинг қайнатмаси

да асл қовунларнинг шифобахш томонларидан ўринли фойдаланишмоқда. Жумладан, ривосади қовунлар киши асбоби таъсир кўрсатади, подлагага қўйилган ҳақида матулумотлар бор, пешоб ҳайдайди, ичти қомаштади, бавосил азиятларига малҳамлик қилади. Медицина амалиётида қовун жигар, ате

неъмат сифатида ҳам қарланади. Чунки унинг ширадор этида салмоқли миқдорда темир элемент мавжуд. Маълумки, медицина оламидида темир танқислиги билан мавжуд бўлувчи анемия хасталиғи бор. Ана шу дарда йулиққанларнинг жонига оро берувчи манба асл қовунлар ҳисобланади. Кези келганида қов

лар билан бир қаторда элементлардан, калий, кальций, темир, фосфор, натрийларни сақлайди. Манбаларда қайд этилишича, қовун уруғларининг сувли дамламаси ўта беозор пешоб ҳайдончи дори сифатида бўйрак азиятлари билан оғрийдиган беморларга энгиллик беради. Қизини шунданки, қовуннинг қайнатмаси

да асл қовунларнинг шифобахш томонларидан ўринли фойдаланишмоқда. Жумладан, ривосади қовунлар киши асбоби таъсир кўрсатади, подлагага қўйилган ҳақида матулумотлар бор, пешоб ҳайдайди, ичти қомаштади, бавосил азиятларига малҳамлик қилади. Медицина амалиётида қовун жигар, ате

неъмат сифатида ҳам қарланади. Чунки унинг ширадор этида салмоқли миқдорда темир элемент мавжуд. Маълумки, медицина оламидида темир танқислиги билан мавжуд бўлувчи анемия хасталиғи бор. Ана шу дарда йулиққанларнинг жонига оро берувчи манба асл қовунлар ҳисобланади. Кези келганида қов

лар билан бир қаторда элементлардан, калий, кальций, темир, фосфор, натрийларни сақлайди. Манбаларда қайд этилишича, қовун уруғларининг сувли дамламаси ўта беозор пешоб ҳайдончи дори сифатида бўйрак азиятлари билан оғрийдиган беморларга энгиллик беради. Қизини шунданки, қовуннинг қайнатмаси

да асл қовунларнинг шифобахш томонларидан ўринли фойдаланишмоқда. Жумладан, ривосади қовунлар киши асбоби таъсир кўрсатади, подлагага қўйилган ҳақида матулумотлар бор, пешоб ҳайдайди, ичти қомаштади, бавосил азиятларига малҳамлик қилади. Медицина амалиётида қовун жигар, ате

неъмат сифатида ҳам қарланади. Чунки унинг ширадор этида салмоқли миқдорда темир элемент мавжуд. Маълумки, медицина оламидида темир танқислиги билан мавжуд бўлувчи анемия хасталиғи бор. Ана шу дарда йулиққанларнинг жонига оро берувчи манба асл қовунлар ҳисобланади. Кези келганида қов

лар билан бир қаторда элементлардан, калий, кальций, темир, фосфор, натрийларни сақлайди. Манбаларда қайд этилишича, қовун уруғларининг сувли дамламаси ўта беозор пешоб ҳайдончи дори сифатида бўйрак азиятлари билан оғрийдиган беморларга энгиллик беради. Қизини шунданки, қовуннинг қайнатмаси

да асл қовунларнинг шифобахш томонларидан ўринли фойдаланишмоқда. Жумладан, ривосади қовунлар киши асбоби таъсир кўрсатади, подлагага қўйилган ҳақида матулумотлар бор, пешоб ҳайдайди, ичти қомаштади, бавосил азиятларига малҳамлик қилади. Медицина амалиётида қовун жигар, ате

неъмат сифатида ҳам қарланади. Чунки унинг ширадор этида салмоқли миқдорда темир элемент мавжуд. Маълумки, медицина оламидида темир танқислиги билан мавжуд бўлувчи анемия хасталиғи бор. Ана шу дарда йулиққанларнинг жонига оро берувчи манба асл қовунлар ҳисобланади. Кези келганида қов

лар билан бир қаторда элементлардан, калий, кальций, темир, фосфор, натрийларни сақлайди. Манбаларда қайд этилишича, қовун уруғларининг сувли дамламаси ўта беозор пешоб ҳайдончи дори сифатида бўйрак азиятлари билан оғрийдиган беморларга энгиллик беради. Қизини шунданки, қовуннинг қайнатмаси

да асл қовунларнинг шифобахш томонларидан ўринли фойдаланишмоқда. Жумладан, ривосади қовунлар киши асбоби таъсир кўрсатади, подлагага қўйилган ҳақида матулумотлар бор, пешоб ҳайдайди, ичти қомаштади, бавосил азиятларига малҳамлик қилади. Медицина амалиётида қовун жигар, ате

неъмат сифатида ҳам қарланади. Чунки унинг ширадор этида салмоқли миқдорда темир элемент мавжуд. Маълумки, медицина оламидида темир танқислиги билан мавжуд бўлувчи анемия хасталиғи бор. Ана шу дарда йулиққанларнинг жонига оро берувчи манба асл қовунлар ҳисобланади. Кези келганида қов

лар билан бир қаторда элементлардан, калий, кальций, темир, фосфор, натрийларни сақлайди. Манбаларда қайд этилишича, қовун уруғларининг сувли дамламаси ўта беозор пешоб ҳайдончи дори сифатида бўйрак азиятлари билан оғрийдиган беморларга энгиллик беради. Қизини шунданки, қовуннинг қайнатмаси

да асл қовунларнинг шифобахш томонларидан ўринли фойдаланишмоқда. Жумладан, ривосади қовунлар киши асбоби таъсир кўрсатади, подлагага қўйилган ҳақида матулумотлар бор, пешоб ҳайдайди, ичти қомаштади, бавосил азиятларига малҳамлик қилади. Медицина амалиётида қовун жигар, ате

неъмат сифатида ҳам қарланади. Чунки унинг ширадор этида салмоқли миқдорда темир элемент мавжуд. Маълумки, медицина оламидида темир танқислиги билан мавжуд бўлувчи анемия хасталиғи бор. Ана шу дарда йулиққанларнинг жонига оро берувчи манба асл қовунлар ҳисобланади. Кези келганида қов

лар билан бир қаторда элементлардан, калий, кальций, темир, фосфор, натрийларни сақлайди. Манбаларда қайд этилишича, қовун уруғларининг сувли дамламаси ўта беозор пешоб ҳайдончи дори сифатида бўйрак азиятлари билан оғрийдиган беморларга энгиллик беради. Қизини шунданки, қовуннинг қайнатмаси

да асл қовунларнинг шифобахш томонларидан ўринли фойдаланишмоқда. Жумладан, ривосади қовунлар киши асбоби таъсир кўрсатади, подлагага қўйилган ҳақида матулумотлар бор, пешоб ҳайдайди, ичти қомаштади, бавосил азиятларига малҳамлик қилади. Медицина амалиётида қовун жигар, ате

неъмат сифатида ҳам қарланади. Чунки унинг ширадор этида салмоқли миқдорда темир элемент мавжуд. Маълумки, медицина оламидида темир танқислиги билан мавжуд бўлувчи анемия хасталиғи бор. Ана шу дарда йулиққанларнинг жонига оро берувчи манба асл қовунлар ҳисобланади. Кези келганида қов

Митти ҳикоялар

Туғилган гўша

Қорабулоқдан йўлга чиққан машина қирлар оша борарди. Бирдан ўнг томондаги ўтлоқдан бир киши машина томон «ҳай-ҳай»лаб кела бошлади. Шофёр ҳайрон бўлиб машинани тўхтатди-да, кабинадан бошини чиқариб сўради:

— Ҳа, йўлдош, нима гап?

Киши ҳаяжон билан деди:

— Янгангич тўлғоч тутиб қолди... Туғруқхонага олиб бориш керак...

Йўлов эганидаги ўтовга машина бурилиб борди-ю, ҳомиладор аёл кийиниб турган экан, тезда уни кабинага ўтказишди. Машина кир йўлда семурғ қуш каби учиб кетди.

Аёлда дард тутиш кучайиб борарди. Бирдан у машинани тўхтатиш илтимос қилди, кейин эри билан шофёрнинг нари кетишларини сўради.

...Орадан бир неча дақиқа ўтди-ю, кабинадан чақалоқнинг биғиллаган гирёни эшитилди. Ота чопиб бориб хотиндан ҳол сўради, ёнidan пичоғини олиб унга узатди, она боланинг киндигини кесди...

Дунёга янги меҳмон келди — инсон туғилди. Ўғил туғилибди. Ота севинганидан шофёрни кучиб сўради:

— Машинанинг номини нима?

— «Қамаз»...

— Демак ўғилнинг номини Қамазовий бўлади... У «Қамаз» машинада туғилди.

Шофёр йигит бу воқеадан беҳад шод бўлиб қўлди.

* * *

Ватан — она, дея берамиз татлим,
Туғилган гўшага доим қил тазлим.

Биринчи пиллапоё

Бир киши нарвонни шахд билан уй бўғотида қўйиб, томга илдам чиқди, боз-боз пичаиларни пастга иргитди, яна бошқа юмшакларни бажариб томдан тушмоқчи бўлди. Бундай қаради-да, шундай баланд турганга юрагида ғурур ҳис этди, кейин нарвон пиллапояларидан бир-бир тушаркан:

— Бўлди, ҳозир ерга оёқ қўяман, —

деб ўйлади-да, ўзини боя юқори кўтарилишга хизмат қилган энг сўнгги пиллапоёни унутиб муаллақ оёқ бошган эди, гур-силлаб ерга йиқилди, оёғининг болдир суяги қарсиллаб сўнди.

* * *

Ким унутса «елда тугган» устозини,
Бир кун тоғтай аччиқ ҳаёт озорини.

Ёмон иллат

Чаён қоронғи қавакда болалади. Қулар ўтиб очилди-да, ургочиси эрақини еб қўйди. Она чаён қоронғида бу ёмон иллат жажжи чаёнчалар қонида жўш урди. У болаларини ташлаб қочмоқчи эди, чаёнча-

лар онаси устига чиқиб олиб унга юк бўлишди. Она чанг ҳасрат чекарди.

* * *

Ёмон иллат наслига қондан ўтади,
Тузалмас хулқ-одоби жондан ўтади.
Тўлқин РАСУЛОВ.

АНТИҚА ГАПЛАР

— Ўқиб залидаги
столда «Ун беш ёшда
капитан»ни кўрмадин
гизми?

— Сизнинг кутуб-
хонангизда «Кўрнамаси
одам» борми?

— «Профессор Доу-
энинг бош»ни менга
ҳам бериб турин!

— Балмайсизми,
«Йўқолган дунё»ни на-
ердан топса бўлади?

— Илтимос, «Улуғ
йўл»ни топиб берин!

— Кечаси билан
«Қасос» ҳақида ўйлаб
чиқин...

— «Қилч ва Қал-
қон»ни олиб кетсам
майлими?

— Магазинда «Ол-
тин бузук» сотилаёт-
ган экан...

— Жапондаги «Па-
рижлик тоғам»нинг у-
сти чағ бўлиб кетиб-
ди-ку!

— Кутубхонага «Бо-
лалик»ни олиб кетгани
келгани...

— «Уч илди»ни
ким олди?

Шахноза
АБДУШОХИДОВА,
Тошкентдаги 187-
мактаб ўқувчиси.

Султон АҚБАРИЙ.

Келинг, бир қулишайлик

Хандалар

РАССОМ

Муҳлис:

— Илгарчи қулиб турган, қувноқ қизларнинг суратини чизар эдингиз. Ҳозирги вақтда фақат қовоғидан қор ёғатган, аччиғи бурнининг устида турган қизларнинг суратини чизадингиз бўлиб қолдингиз. Бунинг сабаби нима?

Рассом:

— Кейинги пайтларда хотиним билан тез-тез уришади-
ган бўлиб қолдик.

УИҚУ

Адабиёт ўқитувчиси ухлайётган студентни уйғотди:

— Нега дарс пайтида ухлайсан?

— Ухлайётганим йўқ. Дарсин тинглаб ўтирибман.

— Ундай бўлса, мен нимани гапирётганим?

— Утопик социалистларнинг дунёқараши, уларнинг хато ва камчиликлари...

Ҳама «гур» этиб қулиб юборди. Ўқитувчи ҳам ўзини аранг қулгидан босиб деди:

— Бўлди, ҳаммаси тушунарли, сен аввалги дарсада ух-
лаб қолган экансан.

ОРОЛ

География ўқитувчиси:

— Ярим орол деб нимага айтади?

Ўқувчи:

— Уч томони сувлик билан ўралган қуруқликка ай-
тилади.

— Орол деб-чи?

— Қуриётган денгизга айтади.

Музаффар ИСМОИЛОВ,
Андижон районидagi 9-ўрта мактаб ўқитувчиси.

1987 йил 29 август

Оқшом даврасига мархабо, дўстлар!

Умри чинорлар

Пир у- бадавлат онахон



— Бувижон, бувижон! —
қўнғироқдек бу овозни эш-
итган Башор буви тикаётган
бузимдан бош кўтариб, у
томонга қаради. Невазаси
Муҳайёнинг кўзлариди шод-
лик аломатларини кўриб,
сўради:

— Ҳа, нима гап?

— Саъдулла акамлардан
хат! — деди Муҳайё севин-
ган билан. — Сизга хат келди..

Шу онда Башор бувининг
ҳам кўзиди қувонч балқиди.
Суюкли невазаси Саъдул-
ла бунисига тез-тез мактуб
юбориб турса ҳам, Башор
буви унинг ҳар бир хатини
сабрқилин билан кутди.

Ҳар талли хатда у бунисига
солдлик ҳаётидан қи-
зик-қизик воқеаларини, яхши
хизмат қилаётганини, лекин
бувинини соғинаганиларини
энг ширин сўзлар билан
ёзарди.

Башор буви асли тошкент-
лик. У шаҳримиздаги Қай-
моқ бозор маҳалласида
туғилиб-ўсган, шу ерда ка-
мол тошган, кейин 1923
йилда «Отчопар» маҳалла-
сида истиқомат қилувчи
боғбон Файзулла ака билан
турмуш қурди. Ўша йили
Башор буви эгингана 16
баҳорини кўрган эди.

Катта ҳаётнинг яшув-
намоли, ширин ва ташвишли
қулири бошланиб кетди.

Бирин-кетин ойда Адолат,
Асолат, Саодат, Лутфулла,
Инобат, Асадулла, Мамла-
кат, Зикрилла, Абдулла,
Сайёра ва Нигматулла исм-
ли фарзандлар туғилишди.

Уларнинг яна олти фарзан-
ди бор эди, лекин умрлари
қисқа бўлиб, акс ҳолда
фарзандлари 17 та бўларди.

Улуғ Ватан уруши йилла-
рида Файзулла ота Тош-

кент асбобсозлик заводиди
ишлаб, оила тебратди.

Дунёни дарзага келтирган
йиллар ўтиб, тинч-фаровон
турмуш бошланди. Бу пайт-
да оиланинг фарзандлари

—Адолат, Асолат ва Сао-
датлар бири заводда, бири
боғчада ишлашарди. 1943

йилда қувончли воқеа бўлиб
ўтди. Башор ая Иноғомова
биринчилар қатори «Қаҳра-
мон она» унвонига сазовор

бўлди.

Йиллар ўтгани сари оила-
даги барча фарзандлар ота
издан боришиб, ҳалол ме-
натда олданишди. Улар-
нинг кўпчилиги ишчи касби-
ни танлашди.

— Мен фарзандларимнинг
ҳаммасидан хурсандман.

Одобли, меҳнатсевар, мўмин-
қобили, одамларга ғамхўр,
эл ва Ватан хизматига қа-
йишадиган кишилар бўлиб

етишишди, — дейди Фах-
рихон билан Башор буви.
Ҳа, шундай. Бу оилани
«1-Отчопар» маҳалласида
ҳамма танийди. Кимдан сў-
раманг, улар ҳақида: «Меҳ-
наткан одамлар, яхши ода-
млар» деб ҳавас билан гапи-
ришади.

Ҳозирги кунда Башор бу-
вининг 42 набираси бор.
Эвараларнинг сояи кунчи-
кеча яна биттага кўпайди.
Башор аянинг қизи Саодат
опанинг қизи фарзанд қур-
ди. Демак, 80 ёшли буви-
нинг эваралари сояи 35 та-
га етди. Бу хушхабар бил-
ан аяни муборакбод этиш
учун унинг фарзандлари-ю,
невазаварлари йиғилиш-
ди. Қувонч устига қувонч
бўлди. Шу кун Совет Ар-
мияси сафидида хизмат қи-
лаётган Саъдулла ва Исматул-
ла билан Башор буви номига
табрик телеграммалари кел-
ди.

Оила кўрки — фарзанд.
Ҳақиқини «Болали уй бо-
зор» деб бежиз айтмаган.
Модомки шундай экан,
«Қаҳрамон она» Башор бу-
ви хонадонда доимо шод-
лик-хуррамлик бўлади. Уми-
р чинор онахон қалби фах-
ру-ғурурга тўлиб: «Бахтли
замонамиздан ўргилди, иш-
қилиб дунё тинч, ҳамма
одамлар омон бўлсин!» деб
яхши ният қилади.

Бахтли замонанинг бах-
тиёр онахонининг шу тилак-
орзуларига ғузал ҳаётимиз-
дан жуда катта шукроналик
сезилиб турибди.

Дилшод ЖАЛОЛОВ.

СУРАТЛАРДА: Башор
буви Иноғомова; катта оила
жамул-жам бўлганда.

Т. Каримов фотолари.



Яйлов ҳикоялари

Олишув

— Чўлу биёбон подшо-
си эчкелар ҳисобланади, — деб
ҳикоясини давом эттирди бо-
ломлар. — Уни чўл тимсо-
ҳи ҳам дейишади. Эчкелар-
нинг узунлиги гоҳи бир кў-
ло келади. Думманига ҳу-
жум қилмоқчи бўлса томоғи
билан қорини шишириб
бир газ кўтарилади. Саҳрода
у бургутдан бошқа ҳеч бир
йиртқичдан чўчимади. Унга
ҳатто бўри, шақаллар ҳам
писандиш. Тишлаб олди де-
гунча икки-уч марта сил-
талаб куч билан ерга ура-
ди-да, қарахт қилиб, тирик-
лайин ютиб юборади.

Аммо эчкелар кафка, қал-
қон бош, кўзойнакли ило-
ни кўриб қолса бироз кўр-
қиб, ўзини дарҳол қум ос-
тига олиб-кириб яшири-
нади-да, қумнинг қаттиқ қис-
мига етган, гоҳи ўнг ёнига,
гоҳи чап ёнига, гоҳи тўғрига
«сузиб» кетиб қойиб бўла-
ди. Шу сабабли қум остига
яширинган эчкеларни кўр-
ган оғчи ҳам тополмайди.

Шуниси қизиқки, эчкелар-
лар оқват танламайди. Ҳа-
шаротларнинг ҳаммасини:
сичқон, қаламуш, қўнғиз,
илон, фаланг, ҳатто чаёнлар-
ни ҳам ейди. Сигир, эшак
каби елинли ҳайвонлар уч-
раб қолса аста тағига ки-
риб сутини, ҳатто қонини
сўради. Аввалги хўшқўдан
сигир жим тураверади. Оғ-

риқ бошланганда чидамай
қочиб қолади.

Бир кун қизиқ воқеа юз
берди: Эчкелар улкан каф-
ка дуч келиб қолди. Қоч-
са, бир газ кўтарилиб тур-
ган илон унинг тепасига
ташланади. Ҳужум қилай
деса, илон боши тепага
кўтарилади. Шу сабабли эч-
келар ҳамма ёғини шиши-
риб, кўтарилиб ҳужумга
кирсилди. Лекин ҳужум
қилишга бетламади. Илон
ҳам қочмай қаққилиб тура-
верди.


Эчкелар бирдан қум ос-
тига яширинишга уринган
эди, илон бир ҳамла билан
унинг думидан тишлаб олди.
Ўлим чангалида қолган эч-

келар қум остига кириб
кетиш ўрнига куч билан те-
пага бир сакради-да, думи-
нинг ярининг илон оғзиди
қолдириб, кафканинг бўй-
нидан тишлаб олди. Талва-
сада қолган кафка эчкелар-
га ўралиб бўғишга уринди.
Аммо бўғишга улгурмай
ўзи бўғизланди. Думидан
жудо бўлган эчкелар ило-
ни ғажиб ютиб юборди.

Сўнг ҳолдан тойдий шекил-
ли, аста қум устига чўзил-
ди. Шу пайт шергини из-
лаб келиб қолган иккинчи
кафка қон қидини сезиб
эчкеларга қўйиллашиб ҳу-
жумга ўтди — эчкеларнинг
устига ташланиб бўйнидан
тишлади-да, заҳарлаб бада-
нига ўралиб олди. Қутилма-
ган зарбидан даҳшатга туш-
ган эчкелар ҳар қанча
ирғиб-талвасага — тушмасин
заҳар ва қисув қучидан ҳол-
дан тойдий, қаршилиқ кўрса-
толмай қолди. Ана гап. Ана
саҳро хангомаси...

Еқубжон ШУКУРОВ.

Собит ҒАФУРОВ.



Турфа олам

БОШҚА НОМЕРНИ
ТЕРДИ

Кундуз кунини машхур
«Павловск саройи» музейи
миллиция пунктида теле-
фон жўраб қолди. Эрақ
овози ҳайлаворлик билан:
«Товар олиб кетишга тай-
ёрми?» деб сўради. «Тайёр,
тайёр», — деб жавоб қилди
ўзини йўқотмай навбатчи ми-
ллиционер В. Казакович...

«Бироз кутиб туришга»
вадда бериб трубкани қўй-
ган, Казакович бу ҳазил
эмалигига ишонч ҳосил қил-
ди. Бироздан кейин милли-
ция ходимлари Павловск
телефон номерига ўхшаш но-
мерларни сичқиклаб тек-
шириб қуришди. Текширув

Жисмоний спортни тар-
ғит қилишда машхур ар-
тист Марлен Шапель жон-
бозлик кўрсатди. Парижда
қўнғил очини программа-
сида ҳам, Брюссель, Ницце,
Лас-Вегас ва бошқа шаҳар-
лардаги томошаларда ҳам
иштирок эта туриб у, киши-
ларни физкультура билан
шуғулланишга даъват эта-
ди. «Хар кунни баданингизни
ишдатилиш кунга шайлаш-
гиз керак, бу эса кайфия-
тингизни бирмунча бўлса
ҳам кўтарди. Мен жону-
ди билан қўнғил айтиб,
рақсга тушаман, шунинг
учун доимо яхши формада
бўламан, шунинг учун чек-
майман ҳам, алкоголь, ко-

фе ва дори-дармонларни ис-
теъмол қилмайман», — дей-
ди у.

СУВ АЭРОБИКАСИ

Японияда аёлларнинг со-
ломлаштириш гимнастикаси
билан оммавий шуғуллани-
ш натижасида бундай ги-
мнастика турларининг сояи
ортиб бормоқда.

Гуллар билан безалган су-
зиш анжонларида улар кў-
ракларига сувага тушади-
лар. Кейин, инструктор кў-
рсатмасига амал қилган ҳол-
да Гавай ороли қизларига
тақдир қилиб, нафис машқ-
ларни бажаришади. «Гиро-
бик» клубига асос солувчи-
лар, сувдаги аэробика бил-
ан ўттиз ёшдан ошган ва
бод касали бор аёллар шу-
ғулланишга мақсадга муво-
фиқ бўларди, деб таъкидлаш-
моқда.

ҒАЛАТИ ҚАМОҶҚА ОЛИШ

Сиднейлик (Австралия) по-
лициячи Дуглас Маккензи
навбатдаги жиноятчининг қў-
лга туширишга шундай баҳо-
лади.

Бу воқеа Маккензининг
навбатчилик вақтида антега-
га чақирилганда содир бўл-
ди. У ерда номаълум шахс



қалбаки рецептлар билан
дори олмақчи эди. Маккензи
номаълум шахсдан ҳужжат-
ларини сўраганда у туғил-
ганлиги туғилганлиги ғувоҳ-
номани, диплом, иккита омон-
нат дафтрасини, медицина
карточкасини узатганда по-
лициячи ҳайратдан ҳангу-
манг бўлиб қолди. Чунки бу
ҳужжатлар унга — Маккен-
зига тегишли эди. Икки йил
аввал бу ҳужжатлар унинг
автомобилидан ўғирланган
экан, деб ёзади Болгария-
нинг «Параллели» журнали.

ФОТОКАЛЕЙДОСКОП

Токиода ўйин автоматла-
ри ишлаб чиқарувчи «Тайто
корпорейшн» фирмасининг
расмий кўргазмаси ўтказил-
ди. Бу қал фирма қизқув-
чиларга ҳақиқий «сюрприз»
тайёрлаганди: гитаранинг
олтига симида қуй чалувчи

Икир- фикрлар

Машхур поляк ёзувчиси
Станислав Ежи Лец ўзи-
нинг ишончли беҳато тега-
диган ҳаётий йўлини, ба-
дий пухта ишланган ҳик-
матлари билан донишлик ва
модонлик, тўғрилиқ ва эг-
рилиқ, инсоф ва инсофизм,
лиқнинг сабаб ва оқибатла-
рини очиб беради. Унинг
афоризмлари ҳар қандай
китобхоналарни чуқур ўйга
толдиради, фикрлардан ўз-
лари хулоса чиқаришга ун-
дайдди. Лец фикрларини бир
ўқишда ўқиб олиш қийин,
ҳар бир сўз тағида катта
маъно бор. Қўйида биз
унинг ҳикматларидан ай-
римларини оқшомхонлар
этиборига ҳавола этмоқ-
дамиз.

○ Қисқичбақа ўлганида ки-
зарди. Бездетлар-чи?

○ Бу сафар қалпоғи тор
келганидан, боши ялғиз эди.
Ана сизга мўъжиза!

○ Оғриматган қулқоқ олтин
исирга тақиб бўлади! Бўла-
ди, Агар бош ҳам оғриматган
бўлса, Маймоқ оёққа ҳам чарм
этик ярашадими? Ярашди.

Агар — гарчи бўлса,

○ Олтин соатнинг милли ҳам
қандай яшаш кераклигини кўр-
сатолмайди. Соат умрининг
ўлчаш ҳам, қадамнинг ўлчай
олмайди.

○ Ҳамма нарсаси инсоннинг ўз
қўлида. Шу боис қўлингиз тез-
тез ювиб тур.

○ Фант жиблажибон либоси.
га бурванса-да, қип-яланғоч-
дир.


○ Жиноятнинг моёси — но-
донлиқдир, сармоёси — киб-
р-ҳаво.

○ Ҳаяжончилар диққатига!
Қашқирлар қийиш ойнадан
ҳам сизга тишларини қайраб
турибди.

○ «Мен қанот чиқарап-
ман» — чийиллади сичқон.
Қанот муборак, қўршапала-
киям!

○ Умуртқа суягинг бўлмаса,
чирнаверма.

Русчадан
Ғайбулла САЛОМОВ ва
Номилжон ЖУРАЕВ
таржималари.



Ҳайвонот
қолида

Янги зотли от

Горький областидидаги По-
чинковский от заводига янги от
зоти яратилди. У селекционер-
ларнинг бир неча йиллар мо-
байнида олиб борган амалий
ишлари натижасида аунуқта
кечди. Янги зотли отта «Совет
огир кул тортувчиси» деган ном
берилди.

Полвон бу от худди эрта.
ларда таърифлангандек куч-
қудратга эга. У бир тонадан
огир вазили бўлиб, яқин масо-
фага 27 тонна юкни тортиб
олиб бора олади. 3—4 тонна
юк билан кун бўйи югуруса ҳам
толиқмайди. Тойчоғи янги бул-
гани учун одамга тез ўрганиб
кетади.

Янги зотли отлар жуда тез
ўсувчан бўлиб, ўз вазинга ку-
нига 2 килограмм вази қўша
олади. Икки йили янги зотли
от 600 килограмм, беш йилга
борғач, бемалол бир тонна ке-
лада.

Бу паҳлавон отлар бир қан-
ча халқлар ва мамлакатнинг
кўргазмаларида қўнғилиб, та-
лайгина олтин медаллар би-
лан тақдирланган ва мухлис-
лар томонидан юксак баҳо
олишга сазовор бўлди

